

“МЕХРЛИ МАКТАБ”ДА НУТҚИЙ, ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ДАРС ТАШКИЛ ҚИЛИШ

*Нигора Алимова Исроиловна
Абдурахимова Нозимахон Бахадировна
Турсунова Дилдора Зиёдуллаевна*

Abstract - Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди. Абдулла Авлоний айтганидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот; ё нажот, ё халокат; ё саодат - ё фалокат масаласидир». Ёш авлод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, халқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (тарбия этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Булар орқали ёшларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим:

- а) ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш;
- б) хайрихоҳлик, одамларга ҳурмат, меҳр-шафқат;
- в) катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш;
- г) мулойимлик;
- д) ишбилармонлик, моҳирлик, ишчанлик, иқтисодий тафаккур;
- е) кичик ёшдан меҳнатсеварлик;
- ж) жисмоний бақувватлик;
- з) ахлоқ-одоблилик;
- и) оилапарварлик;
- к) аёлларга ҳурмат;
- л) ўзаро ҳамкорликка интилувчанлик.

1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида" шахс камолоти асосий масала сифатида эътироф этилган. И.А.Каримов: "Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади", деган эдилар. Ўқув маскани жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири. Ўқув маскани жамиятнинг бугуни эмас, балки келажакка йўналтирилган ривожини белгилайди. Ўқув масканининг мақсади таълим ва тарбиядир.

Мамлакатимизда қилинаётган улкан ислохотлар, мақсадли вазифаларда Президентимиз: «Таълим-тарбия — бу бизнинг келажагимиз, ҳаёт-мамот масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Қанчалик мураккаб бўлмасин, мактаб таълимида пойдеворни бутундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Чунки биз кўп вақт йўқотганмиз», — деди у.

Унинг сўзларига кўра, «кимда-ким мактаб бу фақат Халқ таълими вазирлигининг иши, деб ўйласа, мутлақо янглишади».

«Мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар вазирлик ва идоралар, тармоқ раҳбарлари, барча даражадаги ҳокимлар, илмий ташкилотлар, зиёлилар, кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлиши шарт ва зарур. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин», — деди Шавкат Мирзиёев.
<https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/28/mirziyoyev/>

2022 йил 5-майда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган болаларга мактабгача ва умумий ўрта таълим беришни ташкил этиш тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 05.05.2022 й. 234-сон қарорига илова) имзоланди.

Ушбу Низом Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида (кейинги ўринларда - Марказ) даволанаётган болаларга мактабгача ва умумий ўрта таълим бериш жараёнларини ташкил этиш тартибини белгилайди. Марказда даволанаётган болаларга мактабгача ва умумий ўрта таълим бериш жараёнларини ташкил этиш учун Халқ таълими вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган "Меҳрли мактаб" давлат таълим муассасаси (кейинги ўринларда - Меҳрли мактаб) ташкил этилади.

Меҳрли мактаб ўз уставига, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига (давлат таълим муассасалари учун), банк ҳисобварақларига, Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампга ва бланкаларга эга бўлади.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

даволанаётганлар - Марказда тиббий хизмат кўрсатилаётган 18 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахслар;

таълим ва тарбия хизматлари - мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкил этиш хизматлари;

асосий мактаб - даволанаётганлар доимий яшаш манзили бўйича таълим олаётган давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари.

Key words – Carechilids, Uchimznayem, Mehrlimaktab, Educatepupils, Teachpupils, School, Education, Homeschool, Educational psychology, Secondary education, Hospitalschool, Nursery school, Special education, Hospital pedagogy, Госпиталмактаб, УчимЗнаем, Меҳрлимактаб, Таълимтарбия, Таълим, Мактаб, Уйтаълими, Махсусмактаб, Ўртатаълим, Педагогика, Госпиталпедагогика

Introduction - Таълим жараёни алоҳида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган фаолият бўлиб, у ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ташкил этади ва уларни бошқаради. Таълим жараёни беш элементдан иборат:

1. Таълимнинг мақсади - нима учун ўқитиш керак?
2. Таълимнинг мазмуни - нимага ўқитиш керак?
3. Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари.
4. Таълим берувчи.
5. Ўқувчи.

Таълим жараёнининг муваффақияти: 1. Мотивация. 2. Маълумот усуллари. 3. Маълумотнинг тушунарлилиги. 4. Хотира. 5. Маълумотни қўллашга боғлиқдир.

Биринчи болалар шифохонаси 1802 йилда Парижда очилган. Бу воқеа тарихда жуда катта ютуқ бўлган, сабаби шудавергача болалар катталар билан бир хонада даволанган. Ушбу даврдан бошлаб, болалар учун мунтазам касалхоналарнинг ташкил этилиши уларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ масала кўтарилди. Бу масала-уларнинг таълимдан узилиб қолмасликлари эди.

Госпитал педагогикаси тарихи 20-аср бошларига бориб тақалади. Лондонлик савдогар ва кейинчалик Лондон мэри бўлган Уилям Пурди Трелоарнинг таълимга эътибори хайрия фаолияти билан бошланади. Илк бор Трелоар Лондонда шифохона қурдиради, ва у ерда госпитал мактабини ташкил этади. Касалхона шаҳар четида жойлашгани сабаб, кўп ўқитувчиларга ноқулайликлар келтириб чиқаради. Шу сабабдан Трелоар касалхона яқинига ётоқхона барпо этишни буюради. Бу ерда ҳам тиббиёт ходимлари, ҳам ўқитувчилар яшаши мумкин бўлади. Ҳозирги кунда турли мамлакатларда барпо этилган госпитал мактаблар фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос ёндашувлари ишлаб чиқилган бўлиб – ота оналар билан ишлаш ва ўқувчининг скрининг аҳволидан келиб чиқиб ёндашув фарқ қилиши мумкин. Госпитал таълимнинг икки шакли – уйда ва тиббиёт муассасасида ташкил этилади. Илк госпитал ўқитувчилар – роҳибалар бўлган.

Россияда эса бу каби мактаб – Пётр 1 давридан ўз фаолиятини бошлаган. Ўқитувчилар математика ёки бошқа фанларни эмас, иложи борича болаларни ривожлантирувчи машқлар, масалалар билан масалан, уларга эртақлар ва хикоялар орқали, савол жавоблар тариқасида шуғулланишган. Бу каби методлар уларни шахсиятини болалик давридан шакилланишига ёрдам беришига ишонишган. Шунинг учун касалхонада болаларга аввало бемор эмас, балки шахс сифатида эъзозланишига сабаб бўлган. Собиқ совет даврида ҳамширалар ўрнига

мактаб ўқитувчилари ташрифини таъминлаш бошланди. Бундан мақсад эса, мамлакатда саводсизликка қарши бошланган 5 йиллик режа ва бу режанинг амалда қўллашга қаратилган буюк мақсадлар эди. Яъни, ўқувчи соғайиб жамиятга қайтганида назарий ва амалий билимлардан қолиб кетмасдан давом эттиришдан иборат эди. 20- асрнинг охирида касалхоналардаги болаларни ўқитиш методлари ва усуллари ўзгартириш кераклигини, акс ҳолда бундан кейинги таълим зерикарли ва фойдасиз эканлиги аниқ бўлиб қолди. 1988 йил педиатр Павел Корнхаузернинг ташаббуси билан, ЮНЕСКО ва ЖССТ кўмагида Словенияда госпитал ўқитувчилар учун биринчи Европа конгресси бўлиб ўтди. Европа касалхона мактаблари ассоциацияси, Европадаги Педагогларнинг касалхона ташкилоти (HOSPITAL ORGANISATION OF PEDAGOGUES IN EUROPE (HOPE)) тузилди. HOPE болалар ҳуқуқлари ва ўқитувчиларни ривожлантириш билан шуғулланади. Ушбу ташкилотнинг шарофати билан, госпитал педагогикаси халқаро тушунчага айланди. Уюшма аъзолари хорижлик ҳамкасблари билан ўз тажрибалари ва фикр мулоҳазалар алмашадилар. Шу тариқа госпитал педагогика соҳасида қилинган самарали техника ва методлар бошқа мамлакатларда ҳам ўзлаштирилади.

20 – асрнинг охирига келиб мафкуравий сиёсат, мафкуравий қарашлар, мафкуравий дунёқараш кенгайди ва бу мамлакатлар ўртасида асосий сиёсий жараёнга айланди. Ўқитувчилар мактабда сменалар ташкил қилиб ишлашни бошлашди. Узоқ даволанадиган ўқувчиларга эса касалхоналарга ёки уй таълимига жалб қилиндилар. Мақсад эса ҳали ҳам ўша – ўша, бемор болаларни таълимдан, мактабдан узоқлаштирмаган ҳолда билим беришдан иборат. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатди-ки, госпитал мактабларда ўқиган ўқувчиларнинг 85 фоизи ўз қизиқишлари ва орзулари ҳақида сўзлаб берган бўлса, мактабга қатнамаган бемор болаларнинг 10тадан фақат 2 тасигина келажак режалари ҳақида сўзлаб берган. Мазкур тадқиқот ҳам госпитал таълим ва госпитал мактабнинг бемор болалар ҳвётида нақадар муҳимлигини кўрсатиб беради. Россия ҳудудида ҳозирги кунда “УчимЗнаем” лойиҳаси асосида 45 та госпитал мактаб ўз фаолиятини олиб бормоқда, Дмитрий Рогачев номли болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси илмий марказига ташриф буюрган инсон бу ерни касалхона эканлигига ишоналмайди. Умуман олганда, госпитал мактаб қандай кўринишда бўлиши керак, аввало деворлари ёрқин, касалликни эслатмайдиган ранглар танланиши зарур. Мактаб атмосферасини бола ҳис қилиши керак. Бола бугун қандай дарс ўтилишини ўзи танлаши ва шу дарсда кўпроқ ўзи гапириши ҳам муҳим ҳисобланади. Дарслар 30 минутдан ташкил қилинади. Баҳолаш жараёни ҳам мавжуд. Мактабга ташриф албатта шифокор кўрсатмаси билан бўлиши керак. Шифокор юришга рухсат бермаган

тақдирда, педагог замонавий технологиялари билан биргаликда бола хузурига ўзи ташриф буюради ва муолажа пайтида дарслар ҳам ўз вақтида ўтилади. Узоқ муддатли даволаниш жараёнида боланинг хотираси билан боғлиқ ва аввалги билимлари ёдидан кўтарилиб қолиш ҳолатлари ҳам учраб туради, шунда аввалги билимларини янги технологиялар орқали яъни, қурилмали конструкторлар, эртақ қаҳрамонлари, компьютерлаштирилган робототехника орқали хотираларини қисман янгилаш ёки янги билимлар билан бойтиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари жамоавий ишлаш орқали эса, янги дўстлар орттиришлари ва фикрлар алмашилишлари мумкин бўлади. Энг асосийси болаларда нутқий ривожланиш ва жамиятга тўлақонли қайтиш ҳисси устун бўлади.

<https://chips-journal.ru/reviews/cto-takoe-gospital-nye-skoly#:~:text=Строго%20говоря%2C%20%20изначально%20термин,их%20открывали%20на%20деньги%20меценатов>

Госпитал мактабда болаларнинг нутқини оширишда ва амал қилишда муҳим бўлган методларни ўрганишдан мақсад уларни жамиятга ва тенгдошлари орасида тўлақонли шахс сифатида ўзларини ҳис қилишдари билан иборатдир. Инсоннинг нутқий фаолияти уч кўринишда амал қилади. Булар — сўзлаш, мутолаа ва эшитиш. Сўзлаш дейилганда сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум нарсалар ҳақида сўраши ангалашилади. Сўзлаганда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби юзага чиқади. Сўзлаш монологик ва диалогик кўринишда бўлиши мумкин. Монологик нутқда бир кишининг мулоҳазалари қарши саволларсиз ёки жавобларсиз юзага чиқади, суҳбатдош томонидан бўлинмайди. Диалогик нутқда мулоқот қилувчи шахслар навбат билан гоҳ тингловчи, гоҳ сўзловчи бўлиб туради. Мутолаа ўқувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқотидир. Мутолаа туфайли ўқувчи ёзма нутқда акс этган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлади, улар таъсирида ҳулкида қандайдир ўзгариш пайдо бўлади. Мутолаа маълумот олишнинг энг муҳим йўлидир. Киши ўқиш орқали маънавий етукликка эриша боради. Мутолаа оддий ўқиш ва илмий ўқиш (муҳим нарсаларнинг тагига чизиб ўқиш, парчалар кўчириб олиш, қисқа конспект олиш, асар устида мулоҳаза қилиб ўқиш) дан иборат. Оддий ўқиганда ўқувчи учун ёзма нутқ мазмуни билан танишувнинг ўзи мақсад қилиб қўйилади. Илмий ўқишда ўқувчи асарни таҳлил қилишни, ундан бошқа бирор мақсад учун фойдаланишни, унинг мазмунини қайта баён қилиш кабиларни мақсад қилиб қўяди.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти ва нутқий фаолияти, Жамиятнинг янги ижтимоий кучларини етиштиришда ўқитувчи масъул ҳисобланади. Жамият ўқитувчининг қўлига ёш авлодни, яъни ўз келажагини ишониб топширади.

Унинг камол топишида ўқитувчининг дунёқараши, онги, маданияти, нутқи белгиловчи воситалар саналади. Ўқитувчилик касби юксак маданиятлиликни, инсонпарварликни, байналмилалликни хоҳлайди. Ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда муаллимнинг нутқи иши билан теппа-тенг аҳамиятга эга. Зотан, ўқитувчи мутахассисликка оид ишининг йирик бўлагини нутқи орқали амалга оширади. Шунинг учун унинг нутқи ҳамма вақт ғоявий юксак, равон, юмшоқ, дилкаш бўлиши лозим. Нутқда ва ишда субутсизлик ўқитувчи учун нолайикдир. Ҳар бир нутқ болаларнинг ёш хусусиятларини, билими ва тушунчасини назарда тутиб тузилиши шарт. Шу билан бирга, ўқитувчининг нутқи ёш авлод кўз олдида уни ўраб олган моддий ва маънавий дунёнинг янги қирраларини очиб боришни мақсад қилиб қўяди. Ўқитувчининг нутқи таълим ва тарбия беришнинг асосидир. Ўқитувчининг нутқи имкони борича синтактик жиҳатдан содда, жозибадор, таъсирчан тузилиши лозим. Ҳар қандай билим ва тарбия, асосан ўқитувчининг дарс ҳамда дарсдан ташқари кундалик нутқи орқали бериб борилади. Нутқда, у қандай шаклда бўлмасин, бизнинг қадриятларимиз қаттиқ ҳурмат қилиниши лозим. Педагогик нутқий мулоқотнинг ўзига хослиги ўқитувчининг ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда ҳам тарбиячи эканлиги билан характерланади. Педагог ўз тарбияланувчилари билан кўпроқ аудиторияда, дарсда нутқий мулоқотда бўлади. Унинг нутқи илмий-педагогик мазмун касб этади. Бундай нутқда илмнинг турли соҳаларига хос қоидалар, атамалар, хулосалар акс этади. Бундай нутқда ҳар бир нарса ўз ўрнида, меъёрида бўлади. Атамаларга, янги сўзларга берилган изоҳлар содда, ўқитувчи ҳазм қиладиган синтактик қурилмаларда берилади.

Ўқитувчи синфда оғзаки нутқнинг турли шакллари билан фойдаланади. Қуйи синфларда кўпроқ нутқнинг диалог ва полилог шакли ўринлидир. Чунки суҳбат усули шунга асосланади. Монологик нутқдан ўқитувчи ҳикоя, тасвир, таъриф, тавсиф характеридаги мавзуларни баён этишда фойдаланади. Монологик нутқ тарих, адабиёт дарслари учун хос бўлганидек, диалог нутқ она тили, математика дарсларида қўл келади. Ўқитувчи ҳар бир дарсда оғзаки нутқнинг ҳамма шакллари билан фойдаланиши лозим. Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ва материал ўқувчиларга тўла етиб бориши, уларнинг хулқига таъсир этишини кўзда тутган ҳолда айтилаётганларга мос ҳаракатлар ҳам қиладди: кўз, қош, қўл, юз, бош, кифт ҳаракатларини ишга солади. Бундай ҳаракатлар тасдиқни, инкорни ёки мамнунликни ва ҳоказоларни ифодалаш мумкин. Ҳаракат ўз ўрнида бўлса ёқимли кечса фойда келтиради. Аммо ҳадеб ўринли-ўринсиз ҳаракатлар қила бериш ўқувчини зериктиради.

Мактабда ҳар қандай ҳаракат тарбияга қаратилган, унга асосланган бўлади. Буни ўқув-тарбиявий шароит тақозо этади. Ўқувчиларга замонавий инсонпарвар

қилиб тарбия бериш мақсади мактабда ўқитувчининг нутқиға ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўқитувчи тарбиячи сифатида ўз нутқиға алоҳида муносабатда бўлади. Ўқитувчининг нутқи услуб нуқтаи назаридан илмий, илмий-оммабоп, илмий-педагогик характерда бўлади. У ҳар қандай мураккаб илмий масалани ҳам содда, ўқувчилар учун тушунарли, раво ифодалашга эришади. Аммо назарий фикр ва қоидаларни сунъий равишда жўнлаштириб юбормаслиги керак. Илмий атамалар ўқитувчининг нутқида сақланади. Мураккаб атамаларга изоҳлар бериб борилади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчининг нутқи жонли, жозибадор бўлиши лозим. Ўқув-педагогик вазият деганда ўқувчилар билан ўқитувчининг дарс жараёнидаги мулоқоти тушунилади. Ўқитувчи бу жараёни шундай ташкил этиши керакки, ўқувчилар билмаганларини ўрганиш, олинган билимларини тўлдириш имкониятига эга бўлсинлар. Сухбат, лекция, савол-жавоб, ҳикоя қилиш кўринишидан иборат таълим жараёни ўқувчини қизиқтириши, унда янги билимларни эгаллашга иштиёқ туғдириши лозим. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчи ҳам ўз фаолиятдан мамнун бўлгандагина бу нарсага эришилади. Ўқувчиларнинг берилган маълумотларни иштиёқ билан ҳазм қила боришлари ўқитувчига завқ бағишлайди, янги дарсларга янада масъулият билан тайёргарлик кўришга чорлайди. Ўқитувчи ўз иш фаолиятида нимага эришган бўлса, улар фақат унинг нутқи орқали юз берган бўлади. Ўқитувчининг асосий таъсир воситаси унинг нутқидир. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир масала устида тайёргарлик кўрганда, унинг хусусиятларини очиб берадиган энг тўғри ва монанд нутқ воситаларини танлаши, танлай билиши лозим. Нутқ воситаларини танлаганда ўқувчиларнинг ёши, билими, онг даражаларини ҳисобга олиш зарурлиги ўз-ўзидан равшан.

Нутқнинг тўғрилиги унинг адабий тил нормаларига мослигидир. Адабий тил нормалари кўп тармоқли бўлгани учун нутқнинг тўғрилиги ҳам бир қанча шартларни ўзида қамрайди. Тўғри, нутқ ўзида адабий тилнинг фонетик, талаффуз, луғавий сўз ясалиши, грамматик (морфологик, синтактик). услубий нормаларини мужассамлаштирган бўлиши лозим. Буларнинг бирортасидан биров четлашган нутқ ҳам тўғри нутқ бўла олмайди. Нутқнинг тўғрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир. Нутқ тўғри бўлмаса, бошқа коммуникатив фазилатлари ҳам вайрон бўлади. Нутқнинг тузилиши тўғри бўлмаганда, унинг мантиқийлиги, аниқлиги, ўринлилиги кабилар ҳақида гапириб бўлмайди. Тўғри нутқ тузиш учун сўзловчи адабий тил нормаларини эгаллаб олган бўлмоғи лозим. Бу эса жуда мураккаб, сермашаққат ишдир. Талаффуз нормалари. Кишилар ёшлиқда ўзи мансуб бўлган шева нормалари асосида тил ўрганадилар. Диалектал нормалар жуда қатъий ва қаттиқ амал қилгани учун уларни бузиш, улардан кутулиш осон иш эмас. Нутқ шахсий ҳодиса. Нутқни ҳар бир шахснинг ўзи тузади. Нормативларини танлаш, баҳолаш ҳам шахс томонидан бажарилган.

Норма бир вариантни танлаганига қарамасдан, унинг ёнида бошқа «шахсий» вариантлар ҳам туради. Агар сўзловчи адабий нормаларни яхши эгалламаган бўлса ёки ўз шеvasи берган «шахсий» вариантни афзал деб қараса, унинг нутқи адабий нормадан четлашуви мумкин.. Адабий нормани бузиш нутқ сўзланаётган жараёнда тўсиқ ҳосил қилмаган ҳолларда ҳам тингловчига малол келадиган ниманидир пайдо қилади. Талаффуз деганда тилнинг товуш системаси — фонемалар, уларнинг сифатлари, маълум фонетик шароитларда ўзгаришлари кўзда тутилади. Ўзбек тили хусусият жиҳатдан қарийб мустақил қардош тилларга тенг бўлган уч лаҳжадан таркиб топган. Бу лаҳжалар адабий тилда сўзлаётган кишилар нутқида ҳар қадамда ўзининг борлигини сездириб туради. Нотик ўзи билибми, билмайми, ўз лаҳжаси қонуниятлари таъсирига ўтиб қолади. Бу нарса кўпинча сўз ва сўз шакллариининг талаффузида, лексик танлашларда ва бошқаларда кўринади.

Ўқитувчи нутқининг софлиги Адабий тил учун бегона унсурлари бўлмаган, ахлоқ нормалари тан олмайдиган сўзлардан холи бўлган нутқ соф нутқ деб юритилади. Ўқитувчи нутқида атамалар ва мутахассисликка оид лексика асосий ўринни эгаллайди. Улар ўқувчи билимининг, дунёқарашининг омили ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир янги атамани тўғри ва ёрқин изоҳлаб, ўқувчи онгига сингдириб бериши лозим. Ўқитувчи нутқининг муҳим фазилатларидан бири ифодалилиқдир. Ифодалилиқкина нутқнинг тингловчи томонидан қабул қилинишини таъминлайди. Ифодалари содда, аммо катта мазмунга эга бўлган нутқ тингловчида қизиқиш уйғотади ва унинг онгига тез етиб боради. Ифодалилиқ нуқтаи назаридан қаралганда кишиларнинг нутқлари хилма-хилдир. Ҳатто бир мавзуга бағишланган турли кишиларнинг нутқи турлича ифодаланиши мумкин. Бундай нутқларнинг бирига тингловчи қизиқиб қараса, бошқасига нисбатан лоқайд муносабатда бўлади. Нутқни равон қилишда мавзу ва хабарнинг мантиқи, далилларнинг янгилиги, муаллифнинг таъсир ўтказиш воситалари, нутқнинг структура хусусиятлари муҳимдир.

Нутқнинг нимага қаратилганлиги, қандай воқеалар унда акс этганлигига қараб ифодалилиқ хилма-хил кўринишларда бўлади. Қувонч ифодаси, кўрқув ифодаси, ҳаяжон ва чақирик ифодаси, жимлик ва ажабланиш ифодаси бор. Буларнинг ҳар бири ўзига хос нутқий шароитлар учун ўринли ҳисобланади. Чақирик ифодасини ошиқнинг ишқ саргузаштлари баёнида қўллаб бўлмаганидек, қувонч ифодасини бемор тепасида баён қилиш ўринсиздир. Ифодалилиқ, биринчидан, нутқ вазияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, тилнинг тузилиши билан боғлиқдир. Ўқитувчининг дарсадаги нутқи ифодалилиги билан тарғиботчининг маъруза ифодалилигини ИТ юзасидан қилинган маъруза билан халқаро кенгашда қилинган маъруза ифодалилигини бир қаторга қўйиб

бўлмайди. Улар луғавий қатламларнинг, оҳангнинг кўринишлари билан бир-бирдан ажралиб туради. Аммо ҳар қандай фикр олишувда ҳам ифодалилик зарур. Нутқнинг ифодалилиги талаффуз, урғу, лексика, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, услуб билан мустаҳкам алоқадордир. Демак, ифодалилик тил имкониятларининг ҳар хил соҳалари иштирокида юзага чиқади.

Нутқда ифодалиликка қандай эришиш мумкин? Тилшунос Б. Н. Головин бунинг етти шартини кўрсатади. Биринчидан, нутқ мауллифи тафаккурнинг эркин, мустақил бўлиши. Сийқаси чиққан гапларга боғланиб қолган кишининг нутқи юксак ифодалиликка эриша олмайди. Чунки бундай нотик эркин тафаккур қилмайди, нутқига шароитга муносиб ифодавий воситаларни кирита олмайди, улар устида ўйламайди, ўйлай олмайди. Иккинчидан, нутқ муаллифи нима ҳақида сўзлаётганини, кимларга сўзлаётганлигини билиши, шунга қизиқиши, бепарво бўлмаслиги лозим. Учунчидан, тилни, унинг ифода воситаларини, имкониятларини яхши билиш (бунга тил фанини билиш орқали эришилади). Тўртинчидан, тил услублари (бадий, илмий, публицистик, сўзлашув каби) хусусиятлари, хоссаларини билиш. Бешинчидан, нутқий малака устида мунтазам онгли машқ қилиш. Бунда олинган билимни малакага айлантириш муҳимдир. Сўзлаётганда киши узок ўйлаб нутқни ифодали қиладиган воситаларни топа олмайди. Буни вақт тақозо этмайди. Бу борада бизга малакамиз ёрдамга келади. У тезлик билан бизга нутқни ифодали қилувчи воситаларни топиб бериши, кераксиз воситаларни узоклаштириши лозим. Аммо бунга қандай эришиш мумкин? Ўқиган бадий, илмий ва бошқа асарларнинг тилига онгли муносибатда бўлиш, тил воситаларини таҳлил этиш, ёдлаш, улардан фойдаланиб нутқ сўзлаш машқлари ўтказиш ифодали сўзлаш юзасидан малака ҳосил қилишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Киши доимо ўз нутқий малакасини бойитиши, ошириб бориши зарур. » Олтинчидан, сўзловчининг ифодали сўзлашга бўлган онгли ишончи, руҳан тайёргарлиги. Киши ўзига-ўзи менинг нутқим ифодасиз, ночор ва қашшоқ, шунга кўра ёрқинроқ, ифодалироқ сўзлашим учун китоблар ўқишим, улардаги тилнинг ифода воситаларини, мақол, ҳикматли сўзларни, ибораларни ўрганишим зарур дея олиши керак. Еттинчидан, тилда нутқнинг ифодалилигини таъминловчи воситаларнинг бўлиши. Улар тилда борлиги учун ҳам биз ўз нутқимизда ифодалиликка эришамиз. Тилнинг ифода воситалари дейилганда, одатда, троплар ва тасвирий шакллар тушунилади. Ҳақиқатда эса ифодалилик воситаларининг бошқа кўринишлари ҳам бор. Бу тушунча оддий товушлардан то услубгача бўлган ҳамма имкониятларни ўзида қамрайди. Ҳаммага маълумки, сўзловчи бирор товушни нотўғри айтса ёки аниқ айта олмаса, нутқни қабул қилиш анча қийинлашади.

Ўқитувчи нутқининг бойлиги (ранг-баранглиги) дейилганда унда ишлатилган тил воситаларининг кўплиги, кам такрорланганлиги, тингловчига кўрсатган таъсири тушунилади. Нутқининг бойлигини аниқлаш анча мушкул бўлиб, икки нутқни бир бири билан солиштирганда, қиёслаганда, улардаги тил воситаларининг сўзловчи кўзда тутган ахборотни юзага чиқаришда бажарган вазифаси устида мулоҳаза қилганда намоён бўлади Олайлик, ўрта маълумотли бригадирнинг нутқидан маълумотли ўқитувчининг нутқи, албатта бойдир. Бунга биз ўз таассуротларимиз асосида ишонч ҳосил қиламиз. Тил қурилиш хусусиятлари билан бизда таассурот уйғотган нутқ бой, шундай таассуроти кам бўлган нутқ қашшоқдир. Кўпгина кишиларнинг оғзаки нутқида (баъзан ёзма нутқида ҳам) сўзлар кўп марталаб такрорланади, нутқда фикрни ёрқинлаштириш учун зарур бўлган тил воситалари ишлатилмайди. Бундай нутқни эшитиш кишига малол келади. Нутқ сўзловчи ўз олдида қўйган мақсадни тингловчига тўла етказа олмайди. Албатта, бундай нутқ сўзловчининг тилни яхши эгалламаганлигини, ўз нутқи учун кунт билан меҳнат қилмаганлигини кўрсатади. Мулоқот пайтида суҳбатдошларнинг шахсий руҳий ҳолатлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки сўзловчининг нутқи унинг нутқ сўзланиб турган пайтдаги руҳий ҳолатига кўра турлича лексик таркибда ва оҳангда бўлиши мумкин. Бундай нутқ тингловчига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Энг ўринсиз нутқ — кўпол нутқдир. Кўпол нутқ тингловчи кайфиятини вайрон қилади, руҳига салбий таъсир этади. Ўқитувчининг ўқувчи билан кўпол муомаласи ўқув материални ёмон ўзлаштиришга сабаб бўлишдан ташқари, ўқувчиларни ўзидан бездиради ҳам. Кўпол сўзли ўқитувчини ўқувчилар юракдан севмайдилар, ўзларига яқин билмайдилар. Ўқувчилар севмаган устознинг ишдаги ютуғи қандай бўлиши ҳаммага маълум. Шунинг учун биз нутқимиз тингловчига қандай таъсир этиши ҳақида, кўполлиги билан уни жароҳатламаяптими, қобилятини ерга урмаяптими, деб ўйлашимиз зарур. Нутқининг ўринлилиги ижтимоий жиҳатдан жуда муҳим, чунки у бизнинг нутқий хулқимизни бошқаради.

Норма кишилар нутқий хулқининг бошқарувчиси, йўналтирувчиси (регулятори)дир. Бундай бошқариш жуда зарур. Аммо яхши нутқ учун бу бошқарувнинг ўзи етарли эмас. Чунки норма нутқининг тузилишини бошқаради. Муомала учун зарур бўлган нутқининг борлиққа, жамиятга, онга, кишилар хулқига бўлган муносабатларига норма алоқадор эмас, уларни ўз ичига олмайди. Нутқ бутунлай тўғри, нормани бузмаган, аммо тушунилиши қийин бўлиши мумкин. У тузилиши жиҳатидан тўғри, аммо мантиқан ноаниқ, қарама-қарши бўлиши мумкин. Нутқ тўғри, бироқ нутқ сўзланаётган шароитга мос бўлмаслиги мумкин.

Нутқ одоби инсоннинг умумий ахлоқини белгиловчи асосий мезондир. Ўрта Осиёда ахлоқий тарбия ўз анъаналарига эгадир. Ахлоқ ҳақидаги ибратли фикрлар қадимги туркий ёдномаларда, буюк алломаларнинг асарларида ва бошқа ёзма ёдгорликларда бизгача етиб келган. Ахлоқ фан сифатида ўрта асрларда юзага келди. Бу фаннинг ўз олимлари пайдо бўлди, назарияси яратилди. Ибн Мукавейх, Фаробий, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Жалолиддин Давоний, Сабзаворий, Гиёсиддин Мансур кабилар ахлоқ фанининг мавзуи, вазифалари, мақсадининг назарий ва амалий жиҳатларини асослаб беришга ҳисса қўшдилар. Кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Нутқ одоби нима? Нутқ одоби деганда айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос, адабий нормадаги ифодалар билан етказиш тушунилади. Ҳар қандай хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни, адабий тил нормаларини мукамал билиши лозим. Мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга ёшлиқдан онгли машқлар қилиш, тилнинг луғат бойлигини эгаллаш, бу борада нутқи ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш орқали эришилади. Ўқувчи учун энг яхши намуна ўқитувчи нутқидир. Буни ўқитувчи ҳар доим ўзида ҳис этиб туриши, ўз нутқида ҳеч вақт одоб-ахлоқ, нутқ маданияти нормаларидан чиқмаслиги лозим.

Ўқитувчилик касби бевосита ўқитувчининг овоз хусусиятлари билан боғлиқ ёқимли ва жарангдор овозга эга бўлган ўқитувчи ўз ўқувчиларини овозининг ширадорлиги билан ҳам асир этади. Бундай муваффақиятга эришиш учун ўқитувчи ўз овозининг кучини, ширадорлигини, ёқимлилигини билиши зарур. Лозим бўлганда ундан фойдалана билиш малакасига эга бўлиши керак. Уз овозида камчилик сезган ўқитувчи уни йўқотишга ҳаракат қилади. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида ҳамма вақт узлуксиз машқ қилиб бориши лозим бўлади. Чунки бир-икки машқ билан овозни яхшилаб бўлмайди. Ўқитувчининг овозида қуйидаги хусусиятлар бўлмоғи лозим: — жарангдорлик (товушнинг тозаллиги ва тембрнинг ёрқинлиги); — кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси); — ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитилувчанликка эга бўлиши); — ихчамлик, ҳаракатчанлик; — чидамлилик (узок ишлаш қобилиятига эга бўлиш); — мослашувчанлик (динамика, тембр, мелодиканинг эшитилиш шароитига мослаша олиши); — қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (халақит берувчи шовқинга қарши тембрнинг ўзгариб туриши); — суггестивлик (овознинг ҳаяжон ифодалаш ва бу орқали, қандай сўз айтилаётганидан қатъи назар, тингловчининг ҳулқига таъсир қилиш хусусияти). Нутқ техникаси дейилганда нутқни тингловчи ёки ўқувчига етказишда қўлланиладиган воситалар

тушунилади. Нутқ икки хил кўринишда бўлганидан унинг техникасини ҳам икки хил кўрсатиш мумкин: 1. Оғзаки нутқ техникаси. 2. Ёзма нутқ техникаси. Оғзаки нутқ техникаси товуш, бўғин, сўзларни, унинг шакллари талаффуз этишни яхшилаш борасида нутқ органларини фаоллаштирувчи машқларни англатади. Бунга нафасдан фойдаланиш, товуш тембрларини яхшилаш, дикцияга эътибор бериш, товушларнинг паст-баланд товланиб туриши, унли ва ундошларни талаффуз этиш, оҳанг кабилар киради.

Нутқ аппарати. Нутқ товушларини ҳосил қилувчи аъзолар нутқ органлари деб юритилади. Булар: ўпка, икки бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдоқ, ҳалқум, оғиз бўшлиғи, юмшоқ танглай, қаттиқ танглай, тил, тишлар, лаблар, бурун бўшлиғидир. Ана шу аъзоларнинг ҳаммаси биргаликда нутқ аппарати ҳисобланади. Нутқ аппарати тўрт қисмдан иборат: 1. Бўғиздан қуйи қисм(ўпка, бронхлар, трахея);

2. Бўғиз бўшлиғи (ҳалқасимон, пирамидасимон, қалқонсимон, тоғайсимонлар ва товуш пайчалари)

3. Оғиз бўшлиғи (тил, қаттиқ танглай, юмшоқ танглай, кичик тил, тишлар, лаблар);

4. Бурун бўшлиғи. Бу тўрт қисм нутқнинг ҳосил бўлишида маълум вазифани бажаради. Нутқ товушларининг ҳосил бўлиш манбаи ўпкадан чиқадиган ҳаво (нафас)дир. Демак, ўпка ҳавони юбориб туради. Ўпкадан чиққан ҳаво (нафас) иккита бронх ва трахея орқали ўтади. Чиқиб келаётган нафасни товуш ҳосил қилувчи ҳолатга келтиришда қорин билан кўкрак қафасини ажратиб турувчи парда (диафрагма) хизмат қилади. Аммо ҳали нутқ товушлари ҳосил бўлмайди. Нутқ аппаратининг биринчи қисми нутқ товушларини чиқариш учун тайёрлов босқич ҳисобланади. Нутқ товуши иккинчи қисмда пайдо бўлади. Бунда қуйидан келган ҳаво оқими товуш пайчаларига келиб урилади ва рангсиз товуш ҳамда шовқин ҳосил қилади. Нутқ товуши товуш пайчаларининг тебраниши натижасида юзага келади. Товуш пайчаларининг таранглашуви ва титраши олий асаб системасининг сигнали асосида юз беради. Товуш найчалари олий асаб системасининг сигнали асосида таранглашади ва титрайди. Бу титраш шаклланмаган паст товушни ҳосил қилади. Нутқ товушлари учинчи ва тўртинчи қисмларда, яъни оғиз бўшлиғида ҳамда бурун бўшлиғида шаклланади. Бунда бўғиз, томоқ, юмшоқ танглай, ҳиқилдоқ, қаттиқ танглай, тил, тишлар, лаблар, бурун бўшлиғи муҳим иш бажаради. Уларнинг бевосита иштирокида турли хил нутқ товушлари пайдо бўлади. Оғиз ва бурун бўшлиғида шовқин ҳамда овоз кучаяди, товушлар «ранг» олади. Товуш пайчаларидан чиққан кучсиз товуш томоқ, оғиз, бурун бўшлиқларига урилиб кучайиб боради. Демак, улар

резонаторлик вазифасини ўтайдилар. Оғиз бўшлиғи тўрининг юқори қисмида кичик тил, юмшоқ танглай, қаттиқ танглай, унинг олдида юқори қатор тишлар, устки лаб, оғиз бўшлиғининг қуйи қисмида тил, пастки тишлар ва лаб жойлашган. Бўғиздан келган овозли ҳавонинг қаердан ўтиши қуйидагича: агар юмшоқ танглай юқори тортилиб, кичик тил орқага сурилиб томоққа тегса, бурун бўшлиғи йўли ёпилади ва овозли (ёки шовқинли) ҳаво оғиз бўшлиғидан ўтади. Бу овозли (шовқинли) ҳавога олий асаб системаси буйруғига асосан керакли нутқ аъзолари шакл беради Юқори танглай пастга тортилиб, кичик тил олдинга сурилса оғиз бўшлиғининг ҳаво йўли ёпилади, овозли (шовқинли) ҳаво бурун бўшлиғидан ўтади. Бурун товушларининг ҳосил бўлишида оғиз бўшлиғидаги нутқ аъзолари ҳам иштирок этади. Нутқ аъзолари ҳаракатланишига кўра нофаол ва фаол аъзоларга бўлинади. Ҳаракат қилувчи нутқ аъзолари фаол ҳисобланади. Уларга тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, товуш пайчалари киради. Нофаол аъзоларга тишлар, қаттиқ танглай, бурун бўшлиғи киради. Фаол нутқ органлари ичида энг ҳаракатчани тилдир. У деярли ҳамма нутқ товушларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида иштирок этади. Тилнинг ҳолатига кўра товушлар тил олди, тил ўрта, тил орқа товушлар деб юритилади. Тилнинг олд қисмида а, и, э унлилари; д, т, ч, ц, ж, з, ш, с, н, л, р ундошлари, ўрта қисмида й ундоши, орқа қисмида у, ў, о унлилари; г, к, нг, қ, р, ғ, х ундошлари пайдо бўлади. Лаблар ҳам товуш ҳосил қилишда фаол бўлиб, у, ў, о (қисман) унлилари; б, п, в, ф, м ундошларининг пайдо бўлишида иштирок этади. ҳ товуши бўғиздан чиқади. Ўзбек шеваларида деярли ҳамма унлиларнинг тил олди жуфтлари учрайди. Нутқда нафасдан фойдаланиш. Товуш ҳосил қилишда нафас асосий воситалардан ҳисобланади. Шундай экан, ундан тўғри фойдалана билиш узоқ ва чиройли сўзлашнинг заминини яратади. Нафас олиш уч турга бўлинади: 1 Кифтдан нафас олиш. Нафас кўкракнинг юқори қисмида олиниб, кифтлар кўтарилади. Бундай нафас олиш зарарли. У кишини тез чарчатади. Меъёрда сўзлашга имкон бермайди. 2. Кўкрак-қорин орқали нафас олиш. Бундай нафас олганда ўрта қовурғалар, биқин ҳаракатга келади, яъни улар кенгайди. 3. Аралаш нафас олиш, яъни пастки қовурғалар, диафрагма иштирокида нафас олиш. Бунда кўкрак қафаси ва кифтлар кўтарилмайди. Сўзлаганда равон, ҳовлиқмасдан табиий нафас олиш, уни керакли оҳанг талабига кўра сарфлаш зарур. Нафас олиш, товуш ҳосил қилиш, унинг талаффузи бир -бирига мустаҳкам боғлангандир. Буларнинг ҳар бири миянинг, олий асаб системасининг иши ҳисобланади. Маълум луғавий маъно ташувчи ёки грамматик вазифа бажарувчи сўз шаклини талаффуз қилиш учун берилган белги нафас олишни, нафасни ўпкадан чиқариш орқали унли ва ундош товушлар бирикмасини юзага келтиради. Товушларнинг сифати, жарангдорлиги нутқ аъзоларининг тузилиши ва талаффуз жараёнида қандай иштирок этганлигига боғлиқ. Артикуляция нутқ

товушларини талаффуз этганда нутқ аъзоларининг ҳаракатидир. Нутқ товушлари талаффузида нутқ аъзоларининг ҳаракати икки хил: маълум товушни талаффуз этишга чоғланиши ва айтиш — артикуляция, товуш тугагач, нутқ органларининг асл ҳолига қайтиши рекурсия деб юритилади. Нутқ товушларининг аниқ ёки ноаниқ талаффузи артикуляция аппаратининг фаол ёки нофаоллигига боғлиқ. Бир кишининг нутқ аъзолари бошқа кишининг нутқ аъзоларидан кўпми-озми фарқ қилади. Шунга кўра одамларнинг товуши ҳам бир-бирига ўхшамайди. Нутқ товушларини биров ингичка, биров йўғон, биров жарангдор, биров хира талаффуз қилади. Баъзи ёш болалар унли ва ундош товушларни айтишда артикуляцион нуқсонларга йўл қўяди. Масалан р ҳарфи ўрнига л; с ҳарфи ўрнига ш ҳарфини айтади. Бундай нуқсонларни мунтазам машқлар орқали тузатиб юборса бўлади.

Товушнинг баландлиги товуш пайчаларининг узунлиги, таранглиги ва тебраниш миқдорига боғлиқ. Тебраниш кўп бўлса, товуш баланд бўлади. Товуш пайчалари қанча нозик бўлса, у шунча тез тебранади, натижада товуш баланд чиқади. Нутқ товушларининг кучи ўпкадан келаётган нафаснинг товуш пайчаларига қандай куч билан урилишига боғлиқ. Товуш пайчалари қанча қаттиқ титраса, товуш шунча кучли бўлади. Тембр ҳар бир нутқ товушининг ўзига хос (йўғон, ингичка, ёрқин, хира каби) хусусиятидир. Нутқ товушларининг тембри тон, обертон ва резанатор тонларнинг ҳамда шовқиннинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Резанатор деганда нималарни англаш керак? Резанатор — товушни пайдо қилувчи ва кучайтирувчи воситалардир. Улар икки хил: 1. Юқори резанатор. У овоз пайчалари юқорисида жойлашган ҳикилдоқ, оғиз ва бурун бўшлиқларидан иборат. 2. Пастки резанатор. У кўкрак қафаси, трахеялар, бронхлардан иборат. Товуш тембрининг ҳосил бўлишида юқори резанатор — оғиз, бурун бўшлиқлари муҳимдир. Улардаги жисмоний камчилик товушнинг сифатига таъсир этади. Масалан, тиши тушган ёки бурнининг ички қисмларида нуқсон бор кишилар товушларни ёрқин ва жарангдор талаффуз эта олмайди. Шунинг учун уларнинг нутқини тингловчи қийинчилик билан англайди. Тўхтам овознинг вақтинча тўхташи (тўхтаб қолиши, дам олиш, оралик) бўлиб, бу даврда нутқ аъзолари артикуляциядан тўхтади ва нутқ оқими узилади. Тўхтам даврида нафас олинади ва нутқнинг навбатдаги қисмини талаффуз этишга ҳозирлик кўрилади. Тўхтамдан турли мақсадларда фойдаланилади. Шунга кўра унинг номланиши ҳам турлича: нафасни ростлаш тўхтами, синтактик бўлмаган тўхтам, нормал тўхтам, тобе тўхтам, синтактик тўхтам, кесим тўхтами, бирлаштирувчи тўхтам ва ҳоказо. Нутқнинг бир нафас тугагунча айрилган қисмидан сўнг янги нафас олиш учун қилинган тўхталиш нафасни ростлаш тўхтами дейилади. Нафасни ростлаш тўхтамида ўпкага ҳаво тўлдириб олинади. Бундай тўхтамдан

радио телевидение суҳандонлари яхши фойдаланадилар. Физиологик ва руҳий сабабларга (ёки мантикий ажратиш талабига) кўра тўхталиб, гап бўлаклари орасидаги синтактик алоқани кўрсатмайдиган тўхтам носинтактик тўхтам дейилади. Носинтактик тўхтам мантикий тўхтам ва руҳий тўхтамга ажралади. Мантикий тўхтам нутқнинг мантиқ томони билан боғлиқ бўлиб, сўз гуруҳларини бир-биридан аниқ ажратиш, матннинг маъносини тўла очиш учун хизмат қилади. Унинг носинтактик тўхтам дейилишига сабаб, у фақат мантиқ қонунларига бўйсунди, зарур бўлганда синтактик талабларни четлаб ўтади.

Сўзловчининг кучли ҳаяжонини, борлиқ воқеа-ҳодисаларидан олган таассуротларини ифодаловчи тўхтам руҳий тўхтам дейилади. Руҳий тўхтам нутққа руҳ бағишлайди, жонлилик киритади, унинг таъсирчанлигини оширади. Бинобарин, нутқнинг тингловчи хулқига кўпроқ таъсир этишига сабаб бўлади; уни ҳаяжонлантиради, эвқлантиради

Нутқнинг жарангдорлиги тингловчи учун зарур. Буни нотик ҳам ҳис этиши лозим. Аммо жарангдорлик нутқ сўзланиб турган аудиториянинг акустик (эшитилувчанлик) хусусиятига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Одатда, энига қараганда бўйи ннҳоятда уэун, шифти паст залларнинг акустик ҳолати ёмонроқ бўлади. Эшик ва деразалари очиқ хоналарда ҳам овознинг эшитилиши қийинлашади. Нотик ўзи нутқ сўзлаётган аудитория (хона) нинг акустикасини, тингловчиларнинг сонини ҳисобга олиб, овоздан фойдаланади. Овоз — ўқитувчининг биринчи қуроли. Шунинг учун ундан тўғри фойдаланиши, уни асраши лозим бўлади. Ортиқча бақирини-чақирини товуш пайчаларининг зўриқишига сабаб бўлади ва овозга зарар етади. Товуш пайчаларининг, томоқнинг шамоллаши овознинг хиралашуви, баъзан вақтинча бутунлай яроксиз бўлиб қолишига олиб келади.

Хулоса Таълимдаги янгиланиш, асосан, “Давлат таълим стандартлари” ни ишлаб чиқишнинг аналга оширмай, балки таълим жараёни орқали ўқувчининг ўз келажагини ёрқин тасаввур қила оладиган, бу борада ўз тақдири ва ўз шахсига онгли муносабатда бўлиб, турли фаолиятларда ўз-ўзини ривожлантира оладиган эркин, фаол ва мустақил шахсни шакллантиришни кўзда туттади.

Таълим-тарбия муассасаларидаги фаолият ва ҳатти-ҳаракатларининг психологик қонуниятларини ўрганувчи педагогик психология икки фанни, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан ўрин эгаллагандир.

Ҳозирги даврда педагогик психологиянинг муҳим вазифаларидан бири - ўқув масканидаги таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу хил янги таълим дастурига ўтиш

муносабати билан боғлиқдир. Педагогик психология шу билан бирга ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнини турли тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини ўрганади ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик асосларини тадқиқ этади

Педагогик психология фани ҳам психология илмининг бошқа соҳалари сингари ўзининг илмий-тадқиқот методларига эга. Психологик қонуниятларни муайян режа асосида олиб бориладиган текширишлар туфайлигина холисона аниқлик киритиш мумкин. Психологик тадқиқотлар жараёнини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади: 1. Муаммонини қўйилиши. Ҳар қандай илмий-текшириш ишлари каби, психологияда олиб бориладиган илмий текшириш ишлари ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммони аниқлашдан, шунингдек бу муаммо фанда қанчалик ёритилганлигини аниқлаш мақсадида мазкур мавзуга оид илмий ва махсус адабиётларни таҳлил қилишдан бошланади. 2. Тадқиқот методикасини танлаш. Психологик тадқиқотлар турли методлар (бу методлар ҳақида қуйида батафсил фикр юритилади) билан олиб борилади. Текширишларнинг муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан методни тўғри танлашга боғлиқ бўлади. 3. Маълумотларни тўплаш. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммога мос бўлиши ёки уларни тўплаш мақсадга мувофиқ равишда олиб борилиши зарур. Илмий маълумотларга бўлган асосий талаблар - бу уларнинг холисона, тўла ва изчил бўлишидир. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммони ҳар жиҳатдан тавсифлаб бериши керак. 4. Маълумотларни қайта ишлаш. Тўпланган маълумотларни математик ва мантиқий жиҳатдан ишлаб чиқиш умумийликни, хусусийликни топиш ва уларни тасодифий маълумотлардан ажратиш имконини беради. Бунда тўпланган маълумотларнинг ўртача миқдори (арифметик, квадрат ва ҳоказо), процентлари аниқланади, сонларга оид маълумотлар жадвалларга жойлаштирилади, график, диаграмма ва чизмаларда ўз аксини топади. Мураккаб мутаносибликдаги маълумотларни топишда эса вариацион статистика методлари қўлланилади. 5. Қонуниятларнинг ифодаланиши. Бу тадқиқотнинг бирмунча мураккаб ва масъулиятли босқичи ҳисобланади. Чунки, бу босқичда маълумотларнинг моҳиятига қанчалик чуқур тушунилганлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, босқич маълумотидан ҳар турли хулоса чиқариш мумкин. 6. Қонуниятни амалда қўллаш. Аниқланган қонуниятлар маълум бир амалиёт соҳасида қўлланилади. Амалда қўллаш аниқланган қонуниятнинг тўғрилигига батамом ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Купинча ўқитувчилар ўз амалий фаолиятларида шахсий кузатишлари ва бошқаларнинг тажрибаларини умумийлаштиридилар. Бироқ, бундай умумлаштиришлар илмий жиҳатдан

етарли асосланган бўлмайди, яъни, муҳим аниқлиги ва теранлиги билан ажралиб турмайди.

Педагогик психологиянинг умумий ва хусусий методлари. Тажрибада қўлланиладиган методлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин. 1. Кузатиш методи. Кишининг ҳар кунги психик фаолиятини одатдаги ҳаёт ва шароитларида таҳлил қилишдан иборатдир. Кузатиш орқали турли одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, нерв системасининг ташқи ифодалари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгирлиги, нутқ фаолияти ва ҳоказолари ўрганилади. Аммо, ўта мураккаб ички психологик кечинмалар, юксак ҳиссиётлар, тафаккур, мантиқий хотира ва ақлзаковатни тадқиқ этишга бу методнинг имкони етмайди. 2. Эксперимент методи. Сунъий ҳосил килинган психологик шароитда намоён бўлувчи психик фаолиятни таҳлил қилишдан иборатдир. Экспериментатор ёки тажриба утказувчи психик фаолиятнинг ўзига керакли ходисасини махсус тарзда ҳосил қилади ҳамда унинг намоён бўлиш шарти ва ҳарактерини белгилайди. Тажриба методи ўз навбатида табиий ва лаборатория методларига ажратилади. 3. Психологик-педагогик эксперимент - ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини табиий шароитда махсус усуллар ёрдамида ўрганишдир.

4. Анкета методи. Кишилар психикасини оммавий суроқ асосида ўрганиш демакдир. Бу метод ёрдамида турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва ходисаларнинг муносабатлари ўрганилади. Анкета одатда уч турда утказилади.

5. Сухбат методи эркин, нутқий муносабат туфайли олинган киши психик фаолиятининг хулосасини текшириш демакдир. Бу метод ёрдамида инсон психикасини ўрганишда сухбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъекти танланади, яқка шахслар, гуруҳ ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарса билан ўзвий боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади

6. Тест методи. Тест - инглизча «синаш», «текшириш» деган маънони англатади. Шахснинг ақлий ўсишини, қобилиятини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масала, топшириқ, мисол ёки жумбоқлар тест деб аталади

7. Биографик (таржимаи ҳол) методи. Инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёти, фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар 18 биографик метод орқали ўрганилади. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, кундалиги, хатлари, эсдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди.

8. Социометрик метод. Бу метод кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади.

Психология фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шахсининг таркиб топишида таълим ва тарбия билан ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси кенг доирада муҳокама мавзусига айланмоқда.

Э.Торндайк ва Ж.Пиаженинг таълим билан тараққиётни айти бир нарса деб тушунтиришига қарамай Л.С.Виготский: «Бола тараққиётини ҳеч маҳал ўқув маскани таълимидан ташқаридаги соя деб ҳисоблаш мумкин эмас», - деб таъкидлайди. Бундан ташқари, таълим ва тараққиёт бир-бирига тобе бўлмаган жараёнлардир, деган йўналишдаги психологларни ҳам у қаттиқ танқид қилади. П.П.Блонский таълимнинг бола тараққиётидаги ўрнига алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши тўғридан-тўғри ўқув маскани дастури мазмунига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, таълим жараёнида болалар маълум қоида асосида фаолият қилишга одатланадилар. Таълим таъсири натижасида ўқувчиларда ўз-ўзини ва ўзининг ақлий фаолиятини назорат қилиш юзага келади. Психолог-олимлардан В.В.Давидов, П.Я.Галүперин, Д.Б.Элўқонин, Н.А.Менчинская, А.А.Люблинская, Э.Г.Ғозиевлар ўз тадқиқотларида таълимнинг тараққиётдаги етакчи ролини таъкидлашади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1) <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/28/mirziyoyev/>
- 2) <https://lex.uz/docs/5992724>
- 3) <https://xs.uz/uzkr/post/talim-tarbiya-tizimi-taraqqiyyotning-yangi-bosqichi-muhokama-qilindi>
- 4) <https://uza.uz/posts/33187>
- 5) <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/fan/Abdulla-Avloni-milliy-uyg-onish-davri-ozbek-pedagogikasining-asoschisi.htm>
- 6) <http://www.olchc.ie/>
- 7) <https://fayllar.org/prezident-islom-karimov-asarlari--barkamol-avlod-tarbiyasining.html>
- 8) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18
- 9) Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. – Т. Шарқ, 2001. –ББ. 18-52.

- 10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/>
- 11) Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи.2016 йил, 15 декабрь.
- 12) И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
- 13) <https://n.ziyouz.com/kutubxona>
- 14) https://www.historymed.ru/education/lec_11_20190301.pdf
- 15) <https://uchimznaem.ru/>